

ЯККА ТАНЛАШ ЙЎЛИ БИЛАН ОЛИНГАН ИСТИҚБОЛЛИ ТУРПНИНГ “МУРОД” НАВИДАН УРУҒ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Вахобов Алишер

Салиев Сардорбек Алишерович

Султонов Хумоюн Махмуджон ўғли

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

“Интенсив сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжаликлари”
кафедраси профессор- ўқитувчилари

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада турпнинг янги яратилган “Мурод” навини етиштириш ва ундан уруғ олиш агротехнологияси илмий асосда ўрганилганилиб, бу навнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган.

Калит сўзлар: *Агротехника, вегетация, сара уруғ, оналик, гулпоя, илдизмева хосилдорлик, кузги танлов, баҳорги танлов, якка танлаш, ўғитлаш, меъёр.*

АННОТАЦИЯ

В данной статье на научной основе изучена агротехника возделывания и извлечения семян вновь созданного сорта редьки «Мурод», а также приведены сведения об особенностях этого сорта.

Ключевые слова: *Агротехника, вегетация, желтый посев, материнство, цветение, урожайность корнеплодов, осенний отбор, весенний отбор, индивидуальный отбор, внесение удобрений, норма.*

ABSTRACT

In this article, the agrotechnology of cultivation and extraction of seeds of the newly created variety of radish "Murod" is studied on a scientific basis, and information about the peculiarities of this variety is described.

Keywords: *Agrotechnics, vegetation, yellow seed, motherhood, flowering, root crop yield, autumn selection, spring selection, individual selection, fertilization, norm.*

КИРИШ

*Қишлоқ хўжалигини илмий асосда йўлга қўймас эканмиз,
соҳада ривожланиш бўлмайди.*

Ш.Мирзиёев

Ахолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аграр соҳани ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Мухтарам Президентимиз

Ш.Ш.Мирзиёев 2020 йил 29 декабр куни Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида, камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу қишлоқ хўжалигида хосилдорлик ва самарадорликни кескин ошириш эканлигини таъкидлаб ўтди.

Шундай экан мамлакатимиз сабзавотчилиги олдида турган асосий вазифалардан бири сабзавотларни янги навларини эрта пишар, хосилдор турли хил касаллик ва зараркунандаларга чидамли жахон бозорида рақобат қила оладиган, экологик соф махсулот яратиш бугунги куннинг долзарб масаласи бўлиб қолмоқда. Сабзавотчиликда ҳам уруғчилик тизимини тўғри йўлга қўймас эканмиз ушбу соҳада улкан муваффақиятларга эришиб бўлмайди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик илмий тадқиқот институти Андижон илмий тажриба станциясида сабзавотлардан сара уруғ олиш бўйича қатор тажрибалар олиб борилмоқда. Шулар қаторида янги яратилган ва ишлаб чиқаришга жорий қилинган турпнинг “Мурод” навидан уруғ олиш технологияси ишлаб чиқилди.

Тажриба 2018-2021 йилларда олиб борилди.

Турп (*Raphanus sativus* L.) карамгулдошлар оиласига мансуб бўлиб икки йиллик ўсимлик. Унинг келиб чиқиш маркази Ўрта ер денгизи ва шарқий Осиё хисобланади. Ўзбекистонда бу экин турининг маркази Фарғона водийсининг Марғилон, Олтиариқ туманлари хисобланади ва қадимдан етиштириб келинмоқда. Турпни республикада такрорий экин сифатида экилишини хисобга олганда бу шифобахш ўсимлик алоҳида жой талаб қилмайди. Етиштириш технологияси унчалик мураккаб эмас.

Турпнинг “Мурод” нави Андижон-9 навини якка танлаш йўли билан олинган. Нав ўсишини биринчи йилига тукли барглардан иборат тўпбарг ҳамда вазни 200 гр, шакли узунчоқ ранги яшил илдизмевалар хосил қилади. Иккинчи йили эса, гулпоя чиқариб гуллайди, гуллаши бир ойгача давом этади. Уруғлари кичик-кичик кўзоқчаларда 9-12 тагача жойлашади. Уруғни ранги қизғиш жигарранг, шакли думалоқ бўлади.

Гул тўплами-шингил. Гули тўртта тожбаргли, икки жинсли, оқ, пушти рангда, четдан хашоратлар, асосан асаларилар ёрдамида чангланади ёввойи турп билан осон чатишади. Уруғ олиш учун илдизмева кузда экилади, оналик турпнинг ўртача вазни 200-300 гр. бўлиши мақсадга мувофиқ. Илдизмеванинг

шакли ранги ривожланишига кўра навга хос бўлган белгилари танланади. Парваришlash давомида яганалаш ўтказилади. Ўғитlashга алохида эътибор бериш, махсулотни узок сақланишига ва унинг қимматбахо белгиларини сақлаб қолишга олиб келади. Минерал ўғитларни айниқса азотли ўғитларни меъеридан ортиқча қўллаш экологик муаммоларни келтириб чиқаради. Чунки, ушбу махсулот хомлигича истеъмол қилинади.

Тажриба кеч (ноябр) кузда олдиндан тайёрланган майдонга 60x35 схемада экилди. Турплар ораси 30-35 см. чуқурлиги 4-6 см. қилиб жойлаштирилди. Кўп йиллик тажрибалардан маълум бўлишича бахорда экилган уруғликдан олинган хосилдорлик кузда экилганга қарағанда бирмунча пастроқ бўлган. Бундан ташқари оналик турпни бахоргача сақлаш жараёнида бир мунча исрофгарчиликлар ва харажатлар кўпайиб кетган. Илдизмевани парваришlash жараёнида тупроқ ҳолатидан келиб чиқиб 2 маротаба культивация ўтказилади ва бегона ўтлардан тозалаш мақсадида чопиқ қилинади. Суғориш вегетация даврида оналик уруғни ҳолатидан келиб чиқиб об-хаво шароитини ҳисобга олиб 2-3 марта ўтказилади. Ўғитlashда юқорида баён қилганимиздек асосан маҳаллий ўғитларга аҳамият берилади. Гуллаш олдиндан уруғлик даласида нав тозалиги ўтказилди. Турп уруғи пишиб етилиш даврида оч сариқ ранга киради. Бундай ҳолат уруғни биологик пишиб етилишидан далолат беради.

ХУЛОСА

Пишиб етилган уруғлар кесиб олинади. Ва тайёр бўлган хирмонга олиб чиқиб 10-12 кун қуритилади. Қуритилган уруғлар янчилик тозаланиб, қопларга жойланиб омборхоналарга сақлаш учун қўйилади.

Тажрибада экилган оналик турпнинг вегетатив даври уруғ пишиб етулгунча 60-65 кунни ташкил этди. Кузатув мобайнида 1 га майдондан олинган хосилдорлик 450-500 кг. бўлди. Уруғ олишда илғорлар тажрибасига фан ютуқларига, асосланиб юқори агратехник тадбирлар қўлланса бундан ҳам кўпроқ сара уруғ олиш имконияти яратилади.

REFERENCES

1. А.Вахобов, автореферат на соискание ученой степенни кандидат биологических наук Тош. 1982.
2. А.Вахобов, ва бошқалар “Экономика и сациум” № 1 (98) 2021 Якка танлаш йўли билан олинган истиқболли Турпнинг “Мурод” навини етиштириш технологияси.

3. Р.А.Хакимов ва бошқалар. Сабзавот ва полиз экинлари уруғчилиги. Тошкент Ислон Университети 2003й.
4. Б.Ж.Азимов, Б.Б.Азимов, сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси. Тошкент 2002 й
5. Сабзавот полиз ва картошққа экинларининг маҳаллий навлари. Тошкент, реестр 2020 й.
6. Hamidakhon Komiljonovna Khatamova, Kholida Azamovna Kimsanova. (2020). The Peach Propagation Methods. *The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering*, 2(11), 42- 46.
7. Т.Е Ostanakulov, S.Н Narzieva, В.Н Gulomov "Fundamentals of Fruit Growing" - Tashkent-2010
8. <https://agro-olam.uz/shaftoli-navlari-va-ularniyetishtirish-boyicha-tavsiyalar/>
9. Xatamova X.K., Yunusov O.B., (2021). Useful Properties Of Cherries And Cherry Juice. *The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering*, 3(06), 6-12.
10. X.K. Xatamova, Kh.T. Yuldasheva, M.B. Soliyeva, X.A.Kimsanova, Sh.M. Juraboyeva Asian Journal of Multidimensional Research METHODS OF PRESERVING SUBTROPICAL FRUITS (109-115)
11. Soliyeva, M. B., Sh, T. J., & Asronov, E. K. (2021). To Learn Of Biological And Productive Indicators Of Imported Mulberry Silkworm Breeds. *The American Journal of Applied sciences*, 3(04), 131-137.
12. Soliyeva, M. B., Yuldasheva, K. T., Xatamova, X. K., Kimsanova, X. A., & Isroilova, S. S. (2021). The effect of shelf life of live cocoons on their temperature and quality. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 10(3), 254-260
13. Yuldasheva, K. T., Soliyeva, M. B., Xatamova, X. K., & Kimsanova, X. A. (2020). Effect of arbuscular mycorrhiza on micro propagated olive. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 10(12), 1491-1498.
14. ВАХОБОВ, А., СОЛИЕВА, М., & ХАТАМОВА, Х. СОРТА КРАШНОКОЧАННОЙ КАПУСТЫ ДЛЯ ПОВТОРНОЙ КУЛЬТУРЫ. *ИРРИГАЦИЯ-МЕЛИОРАЦИЯ*
15. Vaxobov Alisher, , Komiljonovna, K. H., Botirovna, S. M., & Yulbarsovna, D. S. (2020). БАМИЯ-ШИФОБАХШ ЎСИМЛИК ВА УНИ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ. *PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology*, 17(6), 3479-3482.

-
16. Quince fruit and its useful properties BGR Khatamova Xamidahon Komiljonovna, Kxoldarova Dilnozaxon Mahkamjon kyzy ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal 3 (Vol. 12 ...
 17. Some features of peach varieties VIZ Kxatamova Hamidaxon Komiljonovna, Vokhobjonova Ibodatoy Zoxidjon qizi ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 387-392
 18. Soliyeva, M. B., & Abdumutalipova, G. A. (2022). Influence of cocoon wrapping agrotechnics on the quality of cocoons. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 12(2), 380-386.
 19. Soliyeva, M. B., & Nabiyeva, Z. A. (2022). Influence of Silk Gland Activity on the Quality and Technological Performance of Cocoons. European Multidisciplinary Journal of Modern Science, 6, 333-339.
 20. The Peach Propagation Methods HK Khatamova, KA Kimsanova. The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering 2 (11), 42-46
 21. THE TECHNOLOGY OF GERMINATING NOT PEPERS FROM SEEDLING AS A SECONDARY A. Вахобов, ХК Хатамова, ХА Кимсанова Life Sciences and Agriculture 2 (2), 52-56